

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"NEO INSURANCE CORP" AJ

Объявление

"NEO INSURANCE CORP" AKSIYADORLIK JAMIYATI

“NEO INSURANCE CORP” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!!!

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қушбеги МФЙ, Ш. Руставеликўчаси, 158-а-уй манзили бўйича жойлашган (электрон почта манзили: info@neoinsurance.uz (<mailto:info@neoinsurance.uz>), веб-сайт: www.neoinsurance.uz) **“NEO INSURANCE CORP”** Акциядорлик Жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) 2023 йил **19 декабрь соат 11:00да** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қушбеги МФЙ, Ш. Руставеликўчаси, 158-а-уй манзилида **акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши** ўтказилишини маълум қилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш йиғилиш бўлиб ўтадиган манзилда 2023 йил 19 декабрь куни соат 10:30 да бошланади.

Йиғилишда иштирок этиш учун акциядор ва унинг вакили шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки ID-карта), шунингдек акциядорнинг вакили ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончномага эга бўлиши лозим.

Акциядорлар реестри қуйидаги саналарга шакллантирилади:

а) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тўғрисида акциядорларни хабардор қилиш учун 2023 йил 24 ноябрь ҳолатига;

б) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш учун 2023 йил 13 декабрь ҳолатига.

Йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар:

1. “NEO INSURANCE CORP” АЖ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида;
2. “NEO INSURANCE CORP” АЖ Кузатув кенгашининг сон таркибини ўзгартириш тўғрисида;
3. “NEO INSURANCE CORP” АЖ Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида;
4. “NEO INSURANCE CORP” АЖ Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш акциядорлар ёки уларнинг вакиллари шахсан иштирок этиш йўли билан амалга оширилиши белгиланган.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайёрланган материаллар билан Жамиятнинг Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қушбеги МФЙ, Ш. Руставели кўчаси, 158-а-уй манзилида жойлашган маъмурий биносида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон: (95) 850-00-11.

“NEO INSURANCE CORP” АЖ Кузатув кенгаши.

24.11.2023 йил

27.11.2023

Источник: <https://openinfo.uz/en/announce/16504/>

Дата: 07.05.2026